

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ: ЎХШАШЛИК ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАР

Нуриддинова Дилобар Шукуровна

Ўзбекистон Республикаси Қурулли кучлари академияси

Мақолада республикамиз олий ўқув юртлари, нодавлат ўқув муассасаларида бугунги кунда кенг қўлланилаётган инглиз тилини ўқитишнинг замонавий методлари аниқланиб, фундаментал, лингвосоциомаданий, коммуникатив методлар қиёсий таҳлил этилган, уларнинг таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилган.

В статье выявлены и проанализированы современные фундаментальные, лингвосоциокультурные, коммуникативные методы преподавания английского языка в вузах, негосударственных учебных заведениях, показана их роль в образовательной системе нашей республики.

This article observes and analyzes some modern fundamental, sociolinguistic and intercultural, communicative approaches and methods of teaching English at Universities and private educational institutions. The study also exposes their role and importance of implementation in the educational system of our Republic.

Калит сўзлар: инглиз тили, фундаментал, мулоқот, лингвистика, интенсив, ўқитиш.

Ключевые слова: английский язык, фундаментальный, общение, лингвистика, интенсивный, преподавание.

Key words: English, fundamental, communication, linguistics, intensive, teaching.

Ер юзида истиқомат қилаётган барча инсонлар серқирра дунёнинг жуда тез ўзгариб бораётганига нафақат гувоҳ, балки жаҳон маданияти, фантехникасининг ривожланиб, тараққий этиб бориши каби мураккаб ва узлуксиз жараёнларнинг бевосита иштирокчилари ҳамдир. Шу ўринда жаҳоннинг етакчи тилларидан бири бўлган ва бугунги кунда Ер шаригадаги 40 фоиз аҳолининг иккинчи мулоқот тилига айланган инглиз тилини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи

ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилганлиги қувонарлидир. Ҳукуматимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори инглиз тилининг Ўзбекистон аҳолиси ўртасида оммалашишига замин яратди. Мазкур қарор чет тилларни ўқитиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасида ташкил этишни назарда тутди.

Қисқа фурсатда чет тиллар бўйича мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими учун давлат стандартлари ишлаб чиқилди, таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар белгиланди. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг стандартлари умумэътироф этилган Европа Кенгашининг “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” (CEFR) талабларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Давлат таълим стандартларининг ҳар жиҳатдан пухта бўлишини таъминлаш мақсадида англиялик Род Болбайто ва Девис Алан бошчилигидаги экспертлар гуруҳи жалб этилди.

Сўнгги йиллари таълим технологиялари бозорида инглиз тилини ўқитишда жуда кўп таклифлар мавжудлигини инобатга олсак, “Сиз қайси метод бўйича дарс берасиз?” деган савол янада долзарблашиб, интеллектуал маҳсулот истеъмолчилари даражасининг ўсганлиги намоён бўлади. Таълим бозори тил ўқитиш бўйича ҳар хил турдаги курсларни таклиф этаётган шиддатли замонамизда, вақтни олтинга тенг деб билган ва ўз иши, ўқиши ва бизнесини ривожлантиришни ўйлаганлар кўп ҳолларда “Икки ҳафта ичида инглиз тилини ўрганиш”, “Самарали экспресс-метод”, “Онгошти даражасидаги инглиз тили” ва бошқа шу каби номлардаги қисқа муддатли курсларни танлашади. Хўш, мазкур ўқитиш методлари қай даражада самарали? Улар кутилган натижани берадими?

Яқин ўтмишда инглиз тилини ўқитишда асосан грамматикага эътибор бериларди. Ўқиш ва матнлар таржимасига, баъзан эса бир хилликни бироз бўлган ва бугунги кунда Ер шаридаги 40 фоиз аҳолининг иккинчи мулоқот тилига айланган инглиз тилини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш

доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилганлиги қувонарлидир. Ҳукуматимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори инглиз тилининг Ўзбекистон аҳолиси ўртасида оммалаштиришга замин яратди. Мазкур қарор чет тилларни ўқитиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасида ташкил этишни назарда тутди.

Қисқа фурсатда чет тиллар бўйича мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими учун давлат стандартлари ишлаб чиқилди, таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар белгиланди. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг стандартлари умумэътироф этилган Европа Кенгашининг “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” (CEFR) талабларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Давлат таълим стандартларининг ҳар жиҳатдан пухта бўлишини таъминлаш мақсадида англиялик Род Болбайто ва Девис Алан бошчилигидаги экспертлар гуруҳи жалб этилди.

Сўнги йиллари таълим технологиялари бозорида инглиз тилини ўқитишда жуда кўп таклифлар мавжудлигини инобатга олсак, “Сиз қайси метод бўйича дарс берасиз?” деган савол янада долзарблашиб, интеллектуал маҳсулот истеъмолчилари даражасининг ўсганлиги намоён бўлади. Таълим бозори тил ўқитиш бўйича ҳар хил турдаги курсларни таклиф этаётган шиддатли замонамизда, вақтни олтинга тенг деб билган ва ўз иши, ўқиши ва бизнесини ривожлантиришни ўйлаганлар кўп ҳолларда “Икки ҳафта ичида инглиз тилини ўрганиш”, “Самарали экспресс-метод”, “Онгошти даражасидаги инглиз тили” ва бошқа шу каби номлардаги қисқа муддатли курсларни танлашади. Хўш, мазкур ўқитиш методлари қай даражада самарали? Улар кутилган натижани берадими?

Яқин ўтмишда инглиз тилини ўқитишда асосан грамматикага эътибор бериларди. Ўқиш ва матнлар таржимасига, баъзан эса бир хилликни бироз бўлсада жонлантириш учун “топик”ларни ёд олиш ҳамда диктант ёзишга жуда кўп вақт ажратиларди ва мазкур жараён машаққатли меҳнатни талаб этарди.

Бугун тил бозорида асосий таклиф истеъмолчининг талабига қараб шакллантирилмоқда. Лингвистика ва хориж тилларини ўқитиш методикаси бўйича етук мутахассис С.Г.Тер-Минасованинг фикрича, “Бугунги кунда тилни ўқитиш функционаллашиб, интеграция жараёнларининг кучайиши натижасида хориж тиллари, хусусан, инглиз тилини ўрганиш янада долзарблашди. Аммо замонавий тил ўрганувчиларни тилнинг тарихи ёки унинг назарияси

Ўзбекистонда хорижий тиллар қизиқтирмайди. Инглиз тили улар учун ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлиб қолди”(6, с. 56). Ҳозирда инглиз тилини ўрганаётган талабаларга бир неча методлар таклиф этилмоқда. Улардан бири – **фундаментал методдир**. У камида 2-3 йиллик ўқишни, грамматикани чуқур ўрганишни тақозо этади. Ушбу метод, асосан, профессионал таржимонларни тайёрлашда қўл келиб, ўқиш якунида талабалар дунёга “native speaker”, яъни тил эгасининг(ташувчисининг) кўзи билан қарашга эришадилар. Унинг асосида тил реал ва тўлиқ мулоқот воситаси сифатида ўрганилади. Ҳозирда фундаментал метод ўз мақсадини ўзгартирмаган, аммо бошқа кўплаб методлар айнан фундаментал метод билан рақобат майдонига чиқишган. Ана шулардан бири **лингвосоциомаданий методдир**. Мазкур метод тилни ижтимоий ва маданий муҳитда ўрганишни тақозо этади. Унинг тарафдорлари талабалар “ўлик” лексик-грамматик шакллари ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйилишини қоралайдилар. Уларнинг фикрича, “шахс – маданият маҳсулидир. Демак, тил ҳам”. Аксарият ҳолатларда тилни ижтимоий ҳаёт билан мувофиқ ўрганмаслик кўпгина хатоларни келтириб чиқаради. Масалан, инглиз тилини ўрганувчи талаба бир қарашда грамматик жиҳатдан тўғри бўлган *The Queen and Her relatives* иборасини ишлатиши мумкин, аммо британиялик фуқаро *The Royal Family* назарда тутилаётганини қийинчилик билан тушунади. Тилни яхши билмаганлар учун *Don't you want to go?* ва *Would you like to go?* иборалари орасидаги фарқ унча катта эмас, аммо британиялик учун улар фарқ қилади. Аксарият ҳолатларда анжуманларда “*Сизни яна қандай масалалар қизиқтиради?*” деган саволни инглиз тилига “*What problems are you interested in?*” дея таржима қилишади. Аммо таъкидлаш жоизки, инглиз тилида “*problems* сўзи салбий характерга эга бўлиб, бундай жумлани “*What issues are*

you interested in?” деб таржима қилган маъқулроқ. Тилшуносларнинг фикрича, бундай хатоликларнинг 52%и она тилидаги ибораларни инглиз тилига тўғридан-тўғри кўчириш бўлса, 44%и тил ўрганувчи салоҳиятининг етарли эмаслиги билан белгиланади. Тилни ўрганиш жараёнида энг муҳими – узатилаётган ахборот мазмунининг қай даражада тўғри эканлигидир.

Лингвосоциомаданий метод икки турдаги мулоқотни қамраб олади. Бу тил ва маданиятлараро мулоқотдир. Олий ўқув юрти талабаси нафақат инглиз тилида ўқиш, ёзиш ва таржима қилишда юқори босқичларни эгаллаши, балки инглиз тилини ўзга халқ маданияти ракурсида кўра олишни ҳам ўрганиши лозим. Инглиз тили ўқитувчиси тил ўргатиш жараёнида айнан шу жиҳатларга эътиборни кучайтириши керак.

Янги тилни ўқитиш усулларида яна бири **коммуникатив метод** бўлиб, бугунги кунда у Европа ва АҚШда самарали қўлланилмоқда. Ўз номи билан

ушбу метод ўзаро мулоқотга асосланган бўлиб, унда ҳар қандай тил ўрганиш тренинглари асосини ташкил этувчи матнни ўқиш, ёзиш, сўзлашув ва диалогларни англаш муҳим ҳисобланади. Албатта, ушбу методда ўқитувчилар сўнгги икки усулга (сўзлашув ва диалогларни англаш)га эътиборни кўпроқ қаратадилар ва бундай дарсларда сиз мураккаб сўз қурилмалари ва жиддий лексикага дуч келмайсиз. Мазкур методнинг камчилиги – бирор-бир соҳада сўз бойлигига эга бўлган талаба шу мазмундаги матннинг мазмунига осон тушунади, аммо соҳа мутахассиси билан жиддий мулоқотга киришга қийналади. Ушбу методнинг мақсади – биринчи навбатда, мулоқот олдидаги кўрқувни енгишдир.

Демак, тилни чуқур ўрганиш, осон мулоқотга киришиш учун юқорида санаб ўтилган учта методни самарали қўллаган ҳолда инглиз тилини ўқитиш лозим. Фикримизча, аввал талабани инглиз тилида сўзлашга ўргатиб, иккинчи босқичда шу тилда ўйлашга ўргатиш лозим. Бу анча қийин, аммо амалга ошириш мумкин бўлган жараён. Бунинг учун инглиз тили ўқитувчиси дарс бериш методини стандарт ёндашувдан ташқари турли хил ўйинлар, ўртоқлари билан мулоқот, хатоларни топиш бўйича машқлар, матнларнинг қиёсий таҳлили кабилар билан бойитиши лозим.

Бугунги кунда буни самарали равишда инглиз услубчилари Жон ва Лиз Соарзлар томонидан яратилган 5 босқичли “**Headway**” дарслиги амалга ошираётир. Инглиз тилини ўрганишга мўлжалланган мазкур дарслик ўз ичига

тўлиқ услубий жамланма, яъни талабалар ва ўқитувчи учун дарслик, аудиокассеталардан иборат 120 соатлик *Elementary, Pre-Intermediate, Intermediate, Upper-Intermediate*ларни қамраб олади. Дарсликдаги ҳар бир дарс бир неча бўлимдан ташкил топган. Биринчиси сўзлашиш кўникмаларини қамраб олган бўлса, иккинчиси тил кўникмаларини (skills development) шакллантиришга қаратилган. Кейингилари матнлар устида ишлаш (scan reading, reading for gist, summary reading ва х.к.), савол-жавоблар, аудиокассетани тинглаш ва қайтаришдан иборат. “*Headway*”нинг ўзига хослиги шундаки, у грамматикани икки босқичда ўргатади: аввал дарс контекстида, кейин талабанинг иш китобида (self-study ва revision). Талаффузни яхшилаш учун дарсликка қўшимча равишда “*Headway Pronunciation*” китоби ҳам киритилган.

Бугунги шиддатли замонда инглиз тилини ўқитишнинг анча оммалашган яна бир усули – **интенсив метод** ҳам амалда. Унинг асосини 25 фоизга яқин клишелар, яъни мулоқот учун энг зарур ибораларни ёдлаш ташкил этади. Албатта, тил ўрганиш учун мазкур методни танлаган талаба Байрон асарларини аслиятда ўқий олмаслиги мумкин, бироқ у зарур пайти ўз суҳбатдоши билан мулоқотга кириша олади. Ушбу метод орқали дарс ўтаётган ўқитувчи, асосан, диалогларни қурол қилиб олади. Интенсив метод орқали ҳам 2 ҳафтада инглиз. Ўзбекистонда хорижий тиллар тилини ўрганиш мумкин эмас, аммо меҳнатсевар, ўз устида ишлайдиган талабалар тилни 3 ойда бемалол ўзлаштиришлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи инглиз тилини ўқитиш учун қайси методни танламасин, унинг асосида талабага кўпроқ билим бериш ва ёшлар томонидан инглиз тилини яхши ўзлаштирилишига ёрдам кўрсатишга интилиш ётиши лозим. Шундагина ҳар қандай метод ўз самарасини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Haugen E. Language Contact // Proceedings of the 8th International Congress of Linguists. – Oslo, 2005.

1. Heath Sh.B. Bilingual Education and a National Language Policy // Perspectives on Bilingualism and Bilingual Education. –Washington, 2008.

2. Lado R. Language Teaching. –New York, San Francisco, Toronto, London, 2010.

3. Michael Swan Practical English Usage. Second Edition. – London: Oxford University Press, 1997.

4. Weinreich U. Languages in Contact. – New York, 2007.

5. Тер-Минасова С. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2013.